



БАНКЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Абдусаматов Хусниддин Нуралиевич-Ўзбекистон
Республикаси Банк-молия академияси “Бухгалтерия
ҳисоби ва аудит” кафедраси мустақил тадқиқотчиси
gafuribragimov@mail.ru. +998903485649

Аннотация

Мазкур тезисда тижорат банкларида молиявий ҳисобот шакллари халқаро талабларга мослаб молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида шакллантириш ва уларни тузишнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Бунда ҳисобот шакллари халқаро талабларга мослаб тузиш жараёнида ўзига хос жиҳатлари очиб берилган ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: банк, халқаро стандарт, молиявий ҳисобот, молиявий ҳолат тўғрисида ҳисобот, фойда ва зарарлар, консолидациялашган молиявий ҳисобот.

Аннотация

Данные тезисы докладов раскрывает особенности формирования и составления форм финансовой отчетности в соответствии с международными требованиями на основе международных стандартов финансовой отчетности в коммерческих банках. В то же время в процессе составления форм отчетности в соответствии с требованиями международными стандартами выявляются специфические аспекты и разрабатываются предложения по ее совершенствованию.

Ключевые слова: банк, международные стандарты, финансовой отчетности, отчет о финансовом состоянии, прибыли и убытки, консолидированная финансовая отчетность.

Abstract:

These abstracts reveal the specifics of the formation and compilation of financial reporting forms in accordance with international requirements based on international financial reporting standards in commercial banks. At the same time, in the process of compiling reporting forms in accordance with the requirements of international standards, specific aspects are identified and proposals for its improvement are being developed.

Keywords: bank, international standards, financial statements, financial statement, profit and loss, consolidated financial statements.

Дунёда турли соҳаларда фаолият юритаётган барча банк ва молия институтлари, 45 мингдан ортиқ трансмиллий корпорациялар ва йирик компаниялар ўзларининг 250 мингдан ортиқ шўъба ва бошқа боғлиқ компаниялари билан биргаликда МҲХСларига мувофиқ молиявий ҳисоботларни ихтиёрийлик асосда тузмокдалар³. Демак дунёда

³ <https://www.ifrs.org/>



МХХСларини эътироф этувчи мамлакатлар сони ошиб бормоқда. Чунки бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш жараёнини молиявий ҳисоботни халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш, шу асосда молиявий ҳисоботнинг дунё миқёсида гармонизациясига эришиш, илғор тажрибалардан миллий даражада самарали фойдаланиш барча мамлакатлар учун энг долзарб масаладир. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, банк тизимида халқаро стандартларни жорий этишда умумбелгиланган тартибдан четга чиққан ҳолда банк хусусиятларини, айниқса банкларда молиявий инструментлар масаласига катта эътибор қаратиш керак.

Ўзбекистонда тижорат банклари томонидан тузиладиган молиявий ҳисоботларини шаффофлигини ошириш, бухгалтерия ҳисобини юритишда халқаро стандартлар талаблари асосида амалга оширишга хизмат қилади ва ундаги ахборотларни ишончлилигини оширишда муҳим масала ҳисобланади. Шу сабабли халқаро стандартларни жорий этиш масаласида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан таъкидлаганидек, “акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йил 1 январдан бошлаб, МХХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МХХС асосида тайёрлайди, қонун ҳужжатларида МХХСга ўтишнинг эртароқ муддатлари назарда тутилган юридик шахслар бундан мустасно.”⁴ Демак Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлари 2021 йил 1 январдан бошлаб бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий хўжалик фаолиятига оид молиявий ҳисоботларни тайёрлаш МХХСлари асосида амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сон “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур соҳага оид яна бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада методологик асос сифатида хизмат қилади.

Маълумки кейинги вақтларда тижорат банклари томонидан молиявий ҳисоботни тузиш ва уни халқаро стандартлар асосида ташкил этишга урғу берилиши молиявий ҳисоботни замонавий талабларга мослаш ва уларни жаҳон ҳамжамиятда белгиланган тартибда юритишни тақозо қилмоқда. Хусусан тижорат банкларининг молиявий ҳисоботларини халқаро талабларга мослаб юритилиши натижасида уларни қимматли қоғозларини халқаро фонд биржаларида иштирок этишига ва уларни чет эллик ҳамкорлар билан тўла қонли ишлашига, молиявий ҳисоботларини ҳаққонийлигини текшириш, уларнинг бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичларига мос келишини текшириш халқаро аудити томонидан амалга оширилиши ва улар томонидан белгиланган

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 24 февраль, ПҚ-4611-сон Қарори.



талабларга мос равишда аудит текширувини халқаро аудит стандартлари ва ички назорат тизимини баҳолаш, таҳлилий амалларни қўллашни такомиллаштириш масалалари муҳим ҳисобланади.

Шу сабабли акциядорлик жамиятлари ва тижорат банкларининг ўзгариш динамикасини таққослаш муҳим ҳисобланади. Шу жумладан Ўзбекистон Республикасидаги статистик маълумотларга кўра, тижорат банкларининг динамикасини ҳозирги кунда қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин:

1 –жадвал

Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлари ва тижорат банклари динамикасининг таққослама таҳлили⁵

№	Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019	2020	2021
1.	Акциядорлик жамиятлари	850	714	653	641	635	649
2.	Тижорат банклари	28	29	30	31	33	34

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, акциядорлик жамиятлари ва тижорат банкларининг сони йилдан йилга ошиб борган. Шу жумладан акциядорлик жамиятлари 2016 йилги 850 тадан 2021 йилда уларнинг сони 649 тани ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Тижорат банкларининг сони 28 тадан 34 тага етганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, тижорат банкларининг сони йилдан йилга ортиб борганлигини кўришимиз мумкин.

Халқаро амалиётда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш”деган фикрни билдириб асосий эътиборни ушбу соҳадаги мутахассисларни тайёрлаш масаласига қаратади.

Бундан ташқари, ушбу масалада иқтисодчи-олима И.Р.Ибрагимова томонидан шундай фикр билдирилган: “Хорижий мамлакатларда акциядорлик жамиятларининг фаолиятини рейтинг баҳолаш усуллариининг самарадорлиги, акциядорлик жамиятларига нисбатан қўйилган рейтинг натижалари муҳим аҳамиятга эга. Ушбу молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

- кўпчилик давлатларда ҳисоб ва ҳисоботга қўйиладиган миллий талаблар учун асос бўлади;
- ҳисоб ва ҳисоботга нисбатан ўз талабларини ишлаб чиқаётган алоҳида мамлакатлар учун халқаро эталон сифатида фойдаланилади;
- фонд биржалари ва тартибга солувчи органлар томонидан молиявий ҳисоботни МҲХСларига мос равишда тузилишини талаб қилинганда;

⁵ Ўзбекистон давлат статистика қўмитаси маълумотлари.



- МХХС талаб қилинмайдиган мамлакатларда ҳам компаниялар сони ортганлиги туфайли фойдаланилиши”⁶.

Юқоридагилар туфайли МХХС бутун жаҳонда янада кенгрок фойдаланилмоқда ва тан олинмоқда. Ҳатто, баъзи мамлакатлар МХХСни ўз стандартларидек ўзгаришларсиз ишлатишмоқда, баъзилари эса, мамлакат хусусиятидан келиб чиқиб баъзи ўзгаришларни киритмоқдалар.

Акциядорлик жамиятларида халқаро ҳисоб тизимини жорий қилиниши бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиш ва юритишда муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун эса бухгалтерия ходимлари бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг асосий тамойиллари ва услубий асослари тўғрисида етарли даражада тушунча ва билимларга эга бўлишлари зарур.

Шундай қилиб, хулоса қилишимиз мумкинки, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилишига, халқаро ташкилотлар фаолиятидаги иштирокини кенгайтиришга уриниши бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларининг жаҳон амалиётида қабул қилинган услубий тамойиллар билан бирлигини, миллий кўрсаткичларни хорижда қўлланилаётган ушбу кўрсаткичлар билан мувофиқлашувини талаб этмоқда. Айниқса тижорат банклари томонидан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартини қўлланиши Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг халқаро банк тизимига уйғунлашувига катта ёрдам беради ва уларнинг қимматли қоғозларининг халқаро фонд биржаларида котировка қилишига таъсир қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. <https://www.ifrs.org/>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 24 февраль, ПҚ-4611-сон Қарори.
3. Ўзбекистон давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
4. Ибрагимова И.Р. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини акциядорлик жамиятлари амалиётига жорий этишни такомиллаштириш. И.ф. бўйича фал. доктори (PhD) дисс.автореф. Тошкент:ТДИУ, -246. Б.12-13.
5. Тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Дарслик. Ибрагимов А.К.ва бошқ. Т.:Иқтисод-молия, 2020.-560б.

⁶ Ибрагимова И.Р. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини акциядорлик жамиятлари амалиётига жорий этишни такомиллаштириш. И.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореф. Тошкент:ТДИУ, -246. Б.12-13.